
МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИГА КИТОБЛАР ЖАМЛАНМАСИ ТОПШИРИЛДИ

Куни-кеча Фурқат тумани «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан тумандаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинларига турли хилдаги бадиий китоблар жамланмаси тарқатилди ва ушбу маҳалла фуқаролар йиғинларида бадиий китоблар бурчаги ташкил қилинди.

Фонд томонидан тақдим қилинган бадиий китоблар Маҳалла фуқаролар йиғинларида ўз кутубхонасини ташкил қилиш, аҳолини китобга бўлган қизиқишини ортириш, маҳалла аҳлининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва маҳаллаларнинг маънавий хазинахонасини янада бойитишга хиссасини қўшиш билан бирга, ушбу китоблар мутолааси одамларни ҳамisha эзгуликка чорлайди ва маърифатга ошно этади. Ёшларнинг қалбида юсак маънавиятни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг ўрни беқиёс.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда китобхонликни ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бунинг исботидир.

2023-02-14 10:02:06